

МАМЛАКАТ РИВОЖИГА ДАХЛДОР ҒОЯ ВА ТАКЛИФЛАРГА БОЙ СТРАТЕГИЯ

Хабар берилганидек, шу кунларда Олий Мажлис Сенати кўмиталари йиғилишлари ўтказилиб, уларда давлат раҳбарининг парламент палаталари қўшма мажлисидаги нутқида илгари сурилган вазифалар ўрганилмоқда. Хусусан, кўмиталарнинг кеча ўтказилган йиғилишларида бу нутқ юртимиз тараққиётига дахлдор ғоя ва таклифларга бойлиги билан тарихий аҳамиятга эга дастурий ҳужжат эканлиги алоҳида таъкидланди.

Сенат кўмиталарида

Ислохотларимизнинг узвийлиги ва давомийлиги таъминланади

Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари кўмитаси йиғилишида Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси ишлаб чиқилганидан сўнг умумхалқ муҳокамасидан ўтказилганлиги, бу концептуал ҳужжатда ислохотларимиз узвийлиги ва давомийлигини таъминлаш кўзда тутилгани қайд этилди. Шу мақсадда "Харакатлар стратегиясидан — Тараққиёт стратегияси сари" деган тамойил асосий ғоя ва бош мезон сифатида илгари сурилмоқда. Кўмида аъзолари келгуси беш йилда ижтимоий соҳа, хусусан, фан, таълим, соғлиқни сақлаш, ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқлари химоя қилиш, жамиятда коррупцияга қарши кескин курашмиш ва бошқа масалалар юзасидан белгиланган устувор вазифалар ижросига ҳар бир инсон масъул эканлигини айтиб ўтди. Зеро, истиқболда эркин фуқаролик жамиятини

қарор топтириш орқали халқларвар давлат қуриш, инсон кадр-қиммати ва унинг қонуний манфаатларини таъминлашга қаратилган ислохотларни изчил давом эттириш, судларнинг чинакам мустақиллиги, очиқлигини таъминлаш, ҳуқуқ-тартиб органлари фаолиятини такомиллаштириш ҳамда тараққиёт қушандаси бўлган коррупцияга барҳам бериш сингари залварли вазифалар турибдики, буни фақат ҳам-жихатлида ундаш мумкин. Иштирокчилар томонидан истиқболда олий тоифали ўқитувчилар оёйлик маошини сезиларли даражада ошириш, мактабга таълим тўғрисидаги мақола ва таълим билан ўй-ғунаштириш орқали болаларни мактабга тайёрлаш сифатини янада кўрғинлаш, ўнлаб янги мактабга таълим муассасалари барпо этиш, бошқа ҳодимлари профессионал тайёрларлиги ва маҳоратини юксалтириш, янги мактаблар қуриш, мавжудларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, таълим-тарбия сифати, даражасини кўтаришга бирламчи вазифа деб қараш ва халқимиз соҳаматлигини таъминлаш

Ижро жараёнида халқ вакилларининг ўрни катта

Оролбўйи минтақасини ривожлантириш масалалари кўмитаси йиғилишида давлат раҳбари Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясини амалга оширишда халқ вакиллари бўлган сенатор ва депутатлар муҳим ўрин тутганини алоҳида қайд этиб ўтганлигига ўрн берилди. Шундан келиб чиқиб, иштирокчилар томонидан миллий парламентимиз фаолиятини янада ривожлантириш билан боғлиқ вазифалар чуқур таҳлил қилинди. Хусусан, Олий Мажлис фаолиятини янада такомиллаштириш, халқимиз кутаётган, Янги Ўзбекистон тараққиётини тезлаштиришга қаратилган қонунчилик концепциясини ишлаб чиқиш ва ҳаётга изчил татбиқ этиш ҳамда қонун ижодкорлиги фаолиятини демократлаштириш, уларнинг ижросини таъминлашга йўналтирилган парламент назоратини кучайтириш зарурлиги айтилди. Нутқдан келиб чиққан ҳолда сенаторлар Орол денгизи қуриши натижасида юзага келган вазият ҳамда уни бартараф этиш борасидаги вазифаларни муҳокама қилдилар. Жумладан, Оролбўйи экологик инновациялар ва технологиялар ҳудуди сифатида эълон қилиш

бўйича БМТ Бош Ассамблеясининг резолюциясини ҳаётга татбиқ этишга доир тизимли ва комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш, БМТ янги экологик сиёсати асосларини ташкил қилишга қаратилган Бутунжаҳон экология хартиясини ишлаб чиқиш борасидаги фаолиятни жадаллаштириш лозим, дейилди. Шунингдек, йиғилишда Қорақалпоғистон Республикасини комплекс ривожлантириш бўйича идоралараро ишчи гуруҳи фаолияти ҳамда келгуси режалари кўриб чиқилди.

Тадбир доирасида Оролбўйи минтақасини ривожлантириш масалалари кўмитаси ташаббуси билан идоралараро ишчи гуруҳ "Йўл харитаси" ва "Медиа режаси" асосида денгизнинг қуриган қисмида ўрмонзорлар барпо этиш бўйича бажарилган ишларга бағишланган видеоролик тақдими ҳам бўлиб ўтди.

Қилиниши лозим бўлган ишлар таҳлили

Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари кўмитасининг йиғилиши Тараққиёт стратегиясидаги парламент фаолияти, қонун ижодкорлигини янада фаоллаштириш, парламент назоратини кучайтириш ва халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашлари фаолиятини жадаллаштириш, қонун нормалари ижросини таъминлашга қаратилган вазифаларга бағишланди.

«Халқ сўзи».

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ҲАВОЛАКИ НОРМАЛАР ЎРНИГА ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ ИШЛАЙДИГАН МОДДАЛАР КИРИТИЛДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Бюджет ва иқтисодий ислохотлар кўмитасининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда депутатлар томонидан "Нобанк кредит ташкилотлари ва микромолиялаш фаолияти тўғрисида"ги қонун лойиҳаси муҳокама қилинди. Мазкур лойиҳа иккинчи ўқишга тайёрланмоқда.

Таъкидлаш жоизки, қонун лойиҳаси банкларнинг айрим турдаги оливирий операцияларини амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган микрокредит ташкилотлари, ломбардлар ҳамда ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотлари фаолиятини тартибга солуви нормаларни тизимлаштириш ва бириктириш мақсадида ишлаб чиқилган.

Мазкур қонун лойиҳаси билан нобанк кредит ташкилотларининг турлари аниқлаштирилиб, молия бозорининг янги иштирокчилари — микромолиялаш ташкилотлари фаолиятини йўлга қўйиш учун ҳуқуқий асос яратилди.

Шунингдек, лойиҳа нобанк кредит ташкилотлари мустақиллигини белгилловчи ҳамда давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахсларига мазкур ташкилотлар фаолиятига аралашшини тақиқловчи қўшимча модда билан тўлдирилмоқ-

«Халқ сўзи».

ЮРТИМИЗ ҚИЁФАСИГА МОС ДАҲАЛАР БУНЁД ЭТИЛАДИ

Сўнгги беш йилда барча соҳа ва тармоқлар каби юртимизда ипотека тизими ҳам изчиллик билан ривожланмоқда. Натижада аҳолининг тураржойга бўлган эҳтиёжларини ўз вақтида қондириш билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар ҳам тизимли равишда ҳал этиб келинмоқда.

Фикр


Жумладан, ўтган давр мобайнида нафақат шаҳар марказларида, балки олис қишлоқ ва овулларда ҳам замонавий қулайликларга эга бўлган ипотека дастурлари доирасида 140 мингдан ортиқ хонадонли уй-жойлар барпо этилди. Бу 2016 йилдан олдинги даврдангига нисбатан қарийб 10 марта кўп демакдир.

Президентнинг шу йил 11 мартдаги "Бозор тамойилларига асосланган ипотека кредитларини ажратиб орқали аҳолини уй-жой билан таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони бу борадаги ишларга янги қанча суръат бағишлади. Ушбу ҳужжат ипотека кредитлари орқали аҳолини уй-жой билан таъминлаш, уй-жой шартларини яхшилаш ҳамда муҳтож оилаларни ижтимоий ва молиявий қўллаб-қувватлаш, ҳусусий пудрат ташкилотларини уй-жой қурилиши соҳасига кенг жалб этиш бўйича шарт-шароитлар яратишда муҳим дастурий асос бўлмоқда.

Фармонда белгилаб берилган чора-тадбирларнинг ҳаётга татбиқ қилиниши натижасида аҳолига ипотека кредитларини 6 ойлик имтиёз билан давр билан 20 йил муддатда тақдир этиш, шаҳарларда ва қишлоқ жойларда ипотека кредитлари бўйича дастабки бадалнинг сотиб олингандаги қавати қийматининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда субсидия ажратиб тартиб жорий этилди.

Аммо ушбу натижадан аҳолини тўлақонли уй-жой билан таъминлаш учун етарли, деб айта олмаيمиз. Ҳисоб-китобларга кўра, юртимиз аҳолисининг уй-жойга бўлган эҳтиёжини тўлиқ қондириш учун йилга камидда 100 — 150 мингта уй-жой барпо қилиниши зарур. Хусусан, ҳар йили мамлакатимизда 300 мингта янги кичик қайта қурилиш объектлари олинса, келгуси беш йилда бу кўрсаткич янада ортиши, шубҳасиз.

Шунингдек, айрим ҳудудларда масъул шахсларнинг ўз вазифасига бўлган эътиборсизлиги сабаб янгида бунёд қилинган уй-жойлар атрофида муносив инфратузилма тармоқлари, ижтимоий соҳа объект-



лари ҳамда иш ўринлари яратилмасдан қолиб кетмоқда. Бу борада бошланган ишлар ўз вақтида амалга оширилмаслиги эса келажда қўллаб-қўшимча ижтимоий муаммолар келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкин.

Юқоридаги ҳолатларни ўз вақтида бартараф этиш мақсадида 2 ноябрь куни давлатимиз раҳбари бошчилигида аҳолини уй-жой билан таъминлаш ҳамда яшил майдонларни кенгайтириш чора-тадбирлари муҳокамасига бағишланган видеоселектор йиғилиши ўтказилди. Унда аҳоли талаби ортиши ҳисобга олиниб, уйлар қурилиши кўлими шунга мувофиқ кенгайтириб борилиши, хусусан, ҳар бир ҳудудда "Янги Ўзбекистон" даҳалари бунёд этилиши, уларда 250 мингдан зиёд оилалар уй билан таъминланиши маълум қилинди.

Эътиборли томони, эндиликда "Янги Ўзбекистон" даҳалари қуриш учун келгуси йилда 15 триллион сўм маблағ ажратилиб, ҳудудларда 40 та ана шундай даҳа барпо қилинади.

Галдаги вазифа сифатида биз, халқ вакиллари ҳудудларда маҳаллий ҳокимликлар ҳамда масъул давлат идораларининг уй-жойлар қуриш учун ер участкаларини ажратилиши, қурилиш ишлари ўз вақтида ва сифатли амалга оширилиши ҳамда субсидия тўланадиган фуқароларни танлаб олиш, уй-жой шартларини яхшилашга муҳтож оилаларни фуқаролар рўйхати адолатли тарзда шакллантирилиши тизимдан жамоатчилик назоратини тизимли равишда олиб боришимиз зарур.

Мавлада АТХАМЖОНОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

Долзарб мавзу

КУЗ-ҚИШ МАВСУМИГА ТАЙЁРГАРЛИК ҲОЛАТИ ҚАНДАЙ?

Олий Мажлис Сенати Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари кўмитаси мажлисида ижтимоий соҳа объектлари ва кўп квартиралы тураржой фонднинг 2021-2022 йиллар куз-қиш мавсумига тайёргарлик ҳолати ҳамда белгиланган тадбирлар ижроси юзасидан мутасадди вазирлик ва идоралар раҳбарларининг ахборотлари эшитилди.

Қайд этилганидек, иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа объектлари ва кўп квартиралы уй-жой фондини 2021-2022 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлаш мақсадида жорий йилда республика бюджетидан 100 миллиард сўм ажратилган.

Халқаро молия институтлари ва республика бюджетидан 2,5 триллион сўм ажратилиши ҳисобига Андижон, Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Хоразм, Фарғона вилоятлари ва Тошкент шаҳрининг иссиқлик тизими модернизация ва реконструкция қилинмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 17 сентябрдаги тегишли қарорига мувофиқ, иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа объектлари ва кўп квартиралы тураржой фондини 2021-2022 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлашни мувофиқлаштириш бўйича республика комиссияси иш бошлаган ва Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳамда ҳар бир туман ва шаҳарларда ҳудудий ишчи гуруҳлар ташкил этилиши белгиланган.

Куз-қиш мавсумига тайёргарлик бўйича манзил "қизиқ", "сарик" ва "яшил" ҳудудларга ажратилиб, бунда аҳоли пунктларида электр энергияси ва табиий газ таъминотида муаммолар мавжуд бўлган, уй-жой мулкдорлари ширкатларининг моддий-техника базаси ва молиявий ҳолати оғир, ҳақ қабулхоналарига коммунал хизматлар юзасидан қўллаб-қувватлаш тўғрисида ҳамда олис ва бориш қийин бўлган жойлар "қизиқ" ҳудудга киритилган.

Электр тармоқлари ва қурилмаларини куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлаш бўйича тармоқ корхоналари томонидан 75 минг 712 кв. электр узатиш тармоқлари ва 28 минг 247 та трансформатор пунктини таъмирлаш ишлари ниҳоясига етказилган.

"Ўзтрансгаз" АЖ томонидан магистраль газ қувури нуксонли қисми алмаштирилган, реконструкция қилинган ҳамда жамият тасарруфидаги компрессор станцияларида газ ҳайдаш агрегатлари таъмирланган.

Кўп квартиралы уйлар ички иситиш тизимларини модернизация қилиш бўйича 4 минг 199 та уйда таъмирлаш ишлари амалга оширилиб, 561,7 кв. метр том қисми жорий ва муқамал, 2 минг 815 та уйнинг кириш йўлига, 670 тасининг фасад қисми ҳамда иссиқлик тик қувурлари ва коммуникациялари таъмирдан чиқарилган.

Ижтимоий соҳа объектларига кўмир ва кўмир брикетини сотиб олиш учун Молия вазирлиги томонидан ҳудудларнинг эҳтиёжидан келиб чиқиб 154 миллиард 100 миллион сўм маблағ ажратилган.

Мажлисида ушбу ютуқлар билан бирга, муайян камчиликлар борлиги ҳам айтиб ўтилди. Хусусан, "Ўзбекгазэнерго" АЖ томонидан 2021 йил 1 октябрга қадар таъмирланган керак бўлган 4 та гидроагрегат бугунги кунга қадар муқамал таъмирланмаган.

Қаҳқадарё вилоятида газ қувурларини тиклаш ишлари режага нисбатан 75 фоизга бажарилган, айниқса, Қарши шаҳрида бу кўрсаткич 50 фоизни ташкил этмоқда. Бу борадаги рақамлар Сурхондарёда — 84,2, Хоразмда 66,7 фоиздан иборат.

Шунингдек, республика бўйича 189 та кўп квартиралы уйни муқамал таъмирлаш ишлари белгиланган муддатдан ортиқ қилинмоқда. Ижтимоий соҳа объектларини муқамал ва жорий таъмирлаш ишларини 2021 йил 1 октябрга қадар тўлиқ тугатиш белгиланган бўлса-да, бироқ бугунги кунга уларнинг 200 тасида иш якунланмаган.

Мажлисида Сенат кўмитасининг мазкур камчиликларни бартараф этишга қаратилган тегишли қарори қабул қилинди.

Олий Мажлис Сенати Ахборот хизмати.

ЮКСАЛИШ ДАВРИНИ БОШЛАБ БЕРАДИГАН МУҲИМ ҲУЖЖАТ

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг Президентлик лавозимига киришини тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги нутқи кенг жамоатчилик томонидан илқ қилиб олинди, айни пайтда қизгин ўрганилмоқда. Сабаби унда келгуси беш йилликда демократик ислохотлар йўлини қатъий давом эттириш ва Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан янада ривожлантиришга қаратилган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси тақдим қилинди.

Муносабат

Авалло, шуни таъкидлаш жоизки, Президентимизнинг сиёсий иродаси, оқилона ва халқларвар ислохоти тўғрисидаги охириги беш йилликда Ўзбекистон бутунлай янгиланди. Ҳамма соҳада оламшумул ўзгаришлар юз берди. Бунинг бундан тан олмақда. Айниқса, ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш, бизнес юртишини энгиллаштиришга қаратилган инқилобий ислохотлар ҳаммининг ҳавасини келтираётгани айни ҳақиқат. Мамлакатимиз учун синон йиллари бўлган сўнгги беш йилда иқтисодиёт 24 фоиз, саноат 34 фоиз, экспорт ҳажми 1,5 баробар, хорижий инвестициялар ҳажми эса 3 баробар ўсди.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ишлаб чиқилган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси ижроси мамлакатимизни ҳар томонлама ривожлантириш, юксак чўққиларга олиб чиқиши, шубҳасиз. Нега деганда, ўтган даврда иқтисодий юксалиш йўлида катта тажриба тўплатиб, янги Ўзбекистонга мустаҳкам пойдевор яратилди.

Етти йўналишдан иборат мазкур дастуриламал ҳужжатда келгуси беш йилда амалга ошириладиган энг муҳим вазифалар ўрин олган. Унда ҳеч бир соҳа эътибордан четда қолмаган бўлиб, ҳамма ўзгаришларнинг марказида "Инсон қадрини унун" деган тамойил устуворлиги алоҳида эътиборга моликдир.

Дарҳақиқат, стратегиянинг учинчи йўналиши, яъни миллий иқтисодиётни ривожлантириш борасидаги вазифаларни оласак, унда мамлакатимиздаги мавжуд ресурс ва имкониятларни сафарбар этган ҳолда, аҳоли жон бошига тўғри келадиган янги ички маҳсулот ҳажмининг янада ошириш бирламчи мақсад қилинган. Давлатимиз раҳбари шу ҳақда тўхталар экан, "Насиб этса, 2030 йилга бориб Ўзбекистон жон бошига ҳисоблаганда, аҳоли даромадлари ўртача кўрсаткичдан юқори бўлган давлатлар қаторидан ўрин эгаллайди. Бунга, аввало, хусусий секторни рағбатлантириш ва унинг улушини ошириш ҳамда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни

жалб этиш ҳисобидан эришиш кўзда тутилмоқда. Жумладан, "хон ашъдан — тайёр маҳсулотгача" деган тамойил асосида драйвер соҳаларда кластер тизимини ривожлантираимиз", дея алоҳида таъкидланди. Иқтисодиётнинг барча соҳасида кластер тизими татбиқ этилиши бежиз эмас, албатта. Мазкур инновацион усул қишлоқ хўжалигида ўзини тўла оқлади. Республикада фаолият кўрсатаятган пахта-тўқимачилик кластерлари томонидан пахта хом ашёсидан тайёр маҳсулотгача бўлган босқичларни қамраб олган умумий қиймати 2 миллиард долларлик 125 та янги корхона ишга туширилган, уларда 150 минг нафар киши доимий иш билан таъминланган бунинг яққол тасдиқидир. Энг асосийси, кластер жорий қилинган, қишлоқ хўжалиги туманларида маҳаллий бюджетларга солиқ ва бюджет тушумлари 2017 йилдагига нисбатан 5-6 мартаба

“ Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ишлаб чиқилган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси ижроси мамлакатимизни ҳар томонлама ривожлантириб, юксак чўққиларга олиб чиқиши, шубҳасиз. Нега деганда, ўтган даврда иқтисодий юксалиш йўлида катта тажриба тўплатиб, янги Ўзбекистонга мустаҳкам пойдевор яратилди. ”

орти. Шу билан бирга, аграр соҳада мекнат қилаётган ҳар бир ишчининг оёйлик маоши ўртача 2,4 баробар кўтарилди. Шу бўис стратегик тармоқ бўлган қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, хусусан, кластер усулида маҳсулот етиштириш ва қайта ишлашни кенгайтириш асосида озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш келгуси беш йилликдаги устувор вазифалар қаторига киритилди. Унга қўра соҳада йиллик ўсмиш суръатини камида 5 фоизга етказиш, кластер иштирокчилари ва деҳқонлар даромадини 2 баробар



кўпайтириш мўлжалланмоқда. Умуман олганда, 2026 йилгача камбағалликни икки баробар қисқартириш, аҳоли турмуш шартини яхшилаш, уй-жой масалаларини ҳал этиш орқали ҳаёт даражасини юксалтириш кўзда тутилган. Шунинг учун келгусида мамлакатимиз барча ҳудудда жами 1 миллиондан ортиқ аҳоли учун мўлжалланган, барча қулайлик ва ижтимоий инфратузилмага эга бўлган "Янги Ўзбекистон" даҳаларини бунёд этиш, "Обод маҳалла", "Обод қишлоқ" дастурлари изчил давом эттирилиши белгилаб берилди.

Президентимиз қўшма мажлисида янги Ўзбекистон тараққиётини жадаллаштиришга қаратилган стратегияни амалга оширишда сенатор ва депутатларга катта ишонч билдириб, уларнинг хизмати муҳим ўрин тутганини алоҳида қайд этди. Шундай экан, биз, халқ вакилларидан юрт ривожиди

янги даврни бошлаб берадиган мазкур муҳим концептуал ҳужжатни ҳаётга изчил татбиқ қилиш, қонун ижодкорлиги фаолиятини демократлаштириш ва уларнинг ижросини таъминлашга қаратилган парламент назоратини кучайтиришга устувор аҳамият беришимиз талаб этилади.

Мургазо РАҲМАТОВ, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган иқтисодчи, сенатор.

МИНТАҚАВИЙ ХАВФСИЗЛИК ВА ЭКОЛОГИК БАРҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ — УСТУВОР ВАЗИФА

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисида сўзлаган нутқини тарихий воқелик сифатида баҳолаш мумкин. Негаки, унда мамлакатнинг кейинги беш йиллиги билан боғлиқ йўналишлар аниқ белгилаб берилди, яъни Харакатлар стратегиясида кўзда тутилган вазифаларни изчил давом эттириш мақсадида "Харакатлар стратегиясидан — Тараққиёт стратегияси сари" деган тамойил асосий ғоя ва бош мезон сифатида кун тартибига қўйилди.

Нуқтаи назар

Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси турли соҳаларни қамраб олган бўлиб, у "инсон — жамият — давлат" тамойили атрофида шакллантирилган, айниқса, эътиборга молик.

Мазкур ҳужжат аввалгисидан фарқли ўлароқ, етти йўналишдан иборат. Унда эркин фуқаролик жамиятини ривожлантириш орқали халқларвар давлат барпо этиш, инсон қадрини қиммати ва қонуний манфаатларини таъминлашга йўналтирилган ислохотларни янги босқичга кўтариш, миллий иқтисодиёт ўсиш суръатларини замон талаби даражасига олиб чиқиш, глобал экологик

муаммоларнинг олдини олиш, прагматик ташқи сиёсатни давом эттириш ва қудратли замонвий армияга эга бўлиш сингари устувор вазифалар назарда тутилган.

Шу ўринда экология, ташқи сиёсат ҳамда армия борасидаги вазифаларга кенгроқ тўхталмоқчимиз. Нутқда давлатимиз раҳбари бугунги кунда кўлами жиҳатдан глобал муаммага айланган Орол денгизи қуриши билан боғлиқ хавф-хатарларнинг олдини олиш масаласига доир алоҳида тўхталиб ўтди. Бу борадаги вазифалар салмоқли. Яъни БМТ Бош Ассамблеясининг Оролбўйи-



ни экологик инновациялар ва технологиялар ҳудуди сифатида эълон қилиш бўйича резолюциясини ҳаётга татбиқ этишга доир тизимли ва комплекс чора-тадбирларни амалга оширишимиз ҳамда БМТнинг янги экологик сиёсати асосларини ташкил қилишга йўналтирилган Бутунжаҳон экология хартиясини ишлаб чиқиш борасидаги фаолиятни жадаллаштиришимиз талаб этилади. Бу эса минтақада вужудга келаятган экологик муаммоларнинг олдини олишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Бундан ташқари, дунёда ва минтақада вужудга келаятган ҳозирги мураккаб ва таҳликали вазиятда қудратли, замонавий ҳамда ҳарбий шайлиги юқори бўлган армия барпо этиш ишларини янада тезлаштириш бугунги кун талаби. Бунинг учун ҳарбий хизматчилар ва соҳа фахрийларини, уларнинг оила аъзоларини қўллаб-қувватлаш, моддий таъминотини янада яхшилаш, уй-жой билан таъминлаш ҳамда фарзандларининг замонавий билим ва касб-ҳунарни эгаллаши учун барча зарур чора-тадбирлар қўрилиши керак бўлади.

Шунингдек, прагматик ва чуқур ўйланган ташқи сиёсат ва иқтисодий дипломатия борасидаги муносабатларни янада ривожлантириш ҳам бугунги кунда долзарб ҳисобланади. Бу мақсадни муваффақиятли амалга ошириш учун Марказий Осиёдаги давлатлар билан янги қўшничилик ва стратегик шериклик алоқаларини тобора кучайтиришимиз, Афғонистонда тинч ва оқойишта ҳаётни тиклаш, бу заминда иқтисодий ва гу-

манитар инқирозга йўл қўймайлик учун уларга қўлимиздан келган барча ёрдам кўрсатишимиз, мазкур давлат билан бирга йирик транспорт-коммуникация лойиҳаларини рўбга чамқаришимиз ҳамда Россия, Хитой, Америка, Туркия, Ҳиндистон, Покистон, Германия, Франция, Жанубий Корея, Япония, БАА ва дунёдаги бошқа шерикларимиз билан ўзаро манфаатли ҳамда кўп қиррали алоқаларни кенгайтиришимиз аниқ зарур. Ушбу йўналишдаги ишларнинг мантаний давоми сифатида халқаро ташкилотлар билан муносабатларни янги босқичга олиб чиқиш доимий эътиборимизда бўлади.

Кўриниб турибдики, олдимизда турган вазифалар ниҳоятда залварли. Уларни муваффақиятли амалга ошири

ҚАТЪИЯТЛИ АЁЛ ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИГА МУНОСИБ УЛУШ ҚЎШИШГА ҚОДИР

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш, меҳнат ҳуқуқини кафолатлаш ҳамда аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Гендер тенглик

Хусусан, бундан икки йил муқаддам "Хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида"ги қонун қабул қилинди. Жинсларга тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш, бу борадаги иктымол муносабатларни тартибга солиш мақсадида ишлаб чиқилган ушбу қонун алоҳида аҳамиятга эга. Чунки жамиятимизда аёлларнинг таълим олиши, илм билан шуғулланиши ва иктымол фаоллигини рағбатлантиришга эҳтиёж катта эди. Гендер тенглиги масаласи ўртага ташланганда, аввало, хотин-қизлар ҳақ-ҳуқуқларининг ҳимоси ҳақида сўз юритишимизнинг боиси ҳам шунда.

Демак, ишда, ўқишда, оилада, умуман, барча жабҳада аёллар меҳнати-ни қадрлаш, уларнинг илм олиши, жамиятда муносиб ўрин эгаллашига шaroит яратиш мумкин вазира. Бу борадаги хайрли ишлар Фарғона тажрибаси сифатида амалга оширилмаётган, қувонарли, албатта.

Фарғона давлат университетида Ўзбекистон Республикаси Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссия билан ҳамкорликда ташкил этилган Гендер тенглик тадқиқотлари маркази ҳамда "Боложон" инновацион маркази минтақада ягона ҳисобланади.

Гендер тенглик тадқиқотлари маркази университет талабалари, хусусан, хотин-қизларнинг жамиятдаги фаоллигини янада ошириш, уларнинг

мавқени юксалтириш, ҳуқуқларини ҳар томонлама ҳимоялаш, саломатлигини муҳофаза қилиш, интилиш ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, муносиб меҳнат ҳамда яшаш шарт-шaroитларини яратиш каби долзарб масалаларни ўз олдига қўйган.

Бугунги кунда хотин-қизларни илмий тадқиқот ишларига кенг жалб қилиш, университет илмий салоҳиятида хотин-қизлар улушини ошириш, марказнинг халқаро давлатлар билан алоқаларини янада ривожлантириш йўлида сай-ҳаракатлар олиб борилаётди.

Олий Мажлис Сенати Раиси Фарғона давлат университетидан бўлганда марказ фаолияти билан яқиндан танишиб, бу маскан ёшлар учун катта имконият бўлганини, олимларимиз учун янгидан-янги илмий тадқиқотлар манбаи эканини, эндиликда минтақада ягона бўлган мазкур марказни кенг оммалаштириш, Фарғона тажрибасини халқаро миқёсга кўтариш, айниқса, Марказни Осиё университетлари оралиқ илмий-амалий конференциялар ташкил этиб, ушбу инновацион модели амалиётга тезроқ таъбиқ қилиш зарурлигини таъкидлаган эди. Бу бежиз эмас, албатта.

— Университет томонидан мамлакатимизнинг қўллаб-қўвиш юртлиги, шу жумладан, хориждаги 30 дан ортиқ нуфузли олий таълим муассасалари билан айнан гендер тенглик тадқиқотлари, илм-фан ривожига хотин-қизлар роли ва ўрнини ошириш

борасида илмий-амалий ҳамкорлик йўлга қўйилди. Халқаро олимпиадалар билан энг долзарб мавзуларда илмий семинарлар, онлайн мулоқотлар ўтказиб келинапти. Хозирги кунда илмий иш билан банд бўлган талаба қизлар, халқаро нуфузли анжуманларда иштирок этаётган олимпиадаларимиз сафи ҳам тобора кенгаймоқда.

Марказни олий таълим муассасалари учун таянч муассасасига айлантириш борасида Ўзбекистон Республикаси Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссия билан яқин ҳамкорлик ўрнатилди. Эътиборлиси, хотин-қизлар бандлиги, иктымол ҳимоя йўналишида илмий тадқиқот фаолиятини йўлга қўйиш ҳақида лойиҳалар шакллантирилди. Бу борада марказ Қозоғистон Республикасидаги Л. Гумилёв номидagi Евроосий миллий университети, Абай номидаги Миллий педагогика университети кўмағига таяниб, тадқиқотлар олиб борилаётди.

Бугунги кунда университетимизда 14 мингдан зиёд хотин-қизлар таълим олаётган бўлса, уларнинг минг нафардан зиёди оилали ва уч ёшдан ошган фарзандлари бор. Гендер тенглик тадқиқотлари маркази ва унга ёндаш "Боложон" инновацион маркази айнан улар каби хотин-қизларимиз манфаатларига хизмат қилади. Фарзандлини уйда вақтинча, бошқа бир шахс қарамоғига қолдириб олий-гоҳга келган талабанинг ўзлаштириш имконияти сезиларли пасайиши мумкин. Университет қошида очилган маскан фаолияти ушбу йўналишда ижобий имкониятлар тақдим этапти.

Инновацион марказда боложонлар учун барча шарт-шaroит яратилган.

Ховлида ёзги айвон, болалар ўриндиклари, эртак қахрамонлари ҳайкаллари, кўнгилочар машғулотлар учун кичик аттракционлар жойлаштирилган. Камалак рангли панжаралар, турли кўргазмали лавҳалар болаларга шодон кайфият улашади. 3-4 ва 5-6 ёшли болалар учун мўлжалланган замонавий ва шинам хоналар мактабгача таълимнинг энг устувор йўналишлари асосида бошланғич ва мактабгача таълим факультети талабалари амалиёт ўташади ва кўнгилли бўлиб фаолият олиб боради.

Айтиш керакки, янги Ўзбекистон шароитида хотин-қизларнинг таълим соҳаси ва илм-фандаги ўрнини кенгайтириш, келажакда уларни илмий тадқиқот ҳамда инновацион фаолиятга янада кенг жалб этишга алоҳида эътибор қаратилаётди.

Жорий йилда университетимизда "Гендер тенгликка эришиш стратегиясини ҳаётга таъбиқ этишда хотин-қизларнинг роли" мавзусида ўтказилган республика семинар-тренингида айни шу масалага кенг ўрин берилди. Семинар-тренингда илм-фан соҳасида муваффақиятга эришган машғул ўзбек аёллари номи билан аталувчи стипендия жорий этиш ва уни тақдим

Хулоса ўрнида айтганда, аёлга имконият ва ваколат беришни ҳар қайси соғлом жамият оқлайди. Бу иш ўша жамиятнинг инсонпарварлиги, маърифати, керак бўлса, эътиқодини ифода этибгина қолмасдан, миллат ривожига, бахтли ҳамда фаровон ҳаётини мустаҳкамлайди. Қолаверса, ҳуқуқ, бу — ишонч дегани. Ишонч натижасида қатъияти юксалаётган аёл эса жамият ривожига, мамлакат тараққиётига муносиб улуш қўшишга қодир бўлади, албатта.

қилиш механизмларини ишлаб чиқиш орқали миллатнинг олимпиа аёли имижини яратиш таклифи илгари сурилди.

Шунингдек, аёлларга ҳурмат, оила-турмуш масалалари, гендер тенгликни таъминлашнинг ҳуқуқий асослари, хотин-қизларнинг илм-фан тараққиётидаги ўрни каби масалалар семинар иштирокчилари муҳокама марказида бўлган бўлса, мўлдирлаётган фикрлар, таклиф ва тавсиялар гендер масалалари учун янги ҳудудларга ижтимоий ранг-баранглики ўзда муҳим эътибор билан кўрилади.

Жорий йил давомида университет қошидаги Гендер тенглик тадқиқотлари маркази томонидан "XXI аср ёшларига миллий урф-одатлар ва анъаналарни ўргатиш усуллари", "Илм-фан ривожига хотин-қизларнинг роли", "Глобал муаммоларни тадқиқ этишда хотин-қизлар илмий салоҳиятидан унумли фойдаланиш" каби 40 тан ортиқ семинарлар, ошқ мулоқот ҳамда учрашувлар ўтказилди. Уларда янги Ўзбекистон шароитида хотин-қизларнинг таълим соҳаси ва илм-фандаги ўрнини кенгайтириш, келажакда уларни илмий тадқиқот ва инновацион фаолиятга янада кенг жалб этишга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

Турғун ЭГАМБЕРДИЕВА, Фарғона давлат университети профессори, педагогика факультети доктори, Гендер тенглик тадқиқотлари маркази раҳбари.



30 ЙИЛДАН БУЁН ЧИҚИНДИХОНА БЎЛГАН ЖОЙДА БОҒ ЯРАТИЛАДИ

Қарши шаҳри аҳолиси томонидан турли мамшиқ чикиндилар ташланаётган Қўнғиртоғ даҳаси 47 гектар майдонни эгаллаган бўлиб, турли мамшиқ чикиндилар пала-партиш ташланиши ва зарарсизлантирилигани тугайли атрофга бадбўй ҳид таратиб, экологик мувозанатга салбий таъсир кўрсатиб келаётган эди.

Президентимиз ташаббуси билан юртимизда амалга оширилаётган "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси доирасида мазкур чикиндилар полигонига кўнгилли аҳоли вакиллари иштирокида экологик хашар ўтказилди. Унда депутатлар, волонтерлар, Қарши шаҳар ободонлаштириш бошқармаси ва "Тоza ҳудуд" давлат унитар корхонаси ходимлари қатнашди.

— Бу акцияни ўтказишдан мақсад "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси доирасида мазкур ҳудудда 47 гектарлик боғ барпо этишдир, — дейди Қарши шаҳар экология ва ат-

роф-муҳитни муҳофаза қилиш инспекцияси бошлиғи Азамат Абдирахимов. — Қўнғиртоғ даҳасининг 14 гектарига поволония, йўл четларига жийда, наъматак ва бошқа дарахт кўчатларини қандаш кўзда тутилган. Баҳор келиши билан бу ниҳоллар қуртак ёзиб, чин маънода яшил маконга айланади.

Умуман, 10 декабрга қадар давом этадиган "долзарб 40 кунлик"да Қарши шаҳрида 274 минг туп дарахт кўчатлари ўтказиш кўзда тутилган.

Фахриддин БОЗОРОВ («Халқ сўзи»).

ҲАР БИР КЎЧАТ РАҚАМЛАНИБ, ПАРВАРИШИ НАЗОРАТГА ОЛИНАДИ

Шу йил 2 ноябрь куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида давлатимиз раҳбари "Яшил макон" умуммиллий лойиҳасини амалга ошириш ҳақида тегишли кўрсатмалар берган эди.

Мазкур лойиҳа доирасида йилгига 200 миллион туп дарахт ва бута кўчатларини экиш, шу орқали шаҳарларда яшил майдонларни хозирги 8 фойздан 30 фойзга етказиш кўзда тутилган. Шу мақсадда юртимизнинг барча ҳудудига 10 декабрга қадар дарахт экиш бўйича "долзарб 40 кунлик" эълон қилинди.

Бу жараён Наманган вилоятда ҳам қизғин давом этмоқда. Айни кунгача шаҳар ва туманларда икки юз мингдан ортиқ бута ҳамда манзарали дарахт кўчатлари ўтказилди. — Экилган кўчатлар парвариши қатъий назоратда бўлади, — дейди Наманган вилояти экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси бошлиғи Аъзамат Жалилов. — Айни мақсадда уларнинг ҳар бирини рақамлаб, қаровига масъул шахслар белгиланмоқда.

Қўламазорлаштириш ишларида барча корхона, ташкилот ва муассасалар жамоалари фаол иштирок этмоқда. Масалан, кунчи кеча Наманган шаҳрининг Чорсу даҳасидаги хийбон ва магистраль йўл ёқаларига қайрағоч, шумот, каталпа, сакура каби уч юз тупдан ортиқ кўчатлар экилди.

«Халқ сўзи».

«КАТТАБОҒ»ДАГИ КАТТА ЎЗГАРИШЛАР

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев шу йилнинг 1-2 июнь кунлари Сурхондарё вилоятига ташрифи доирасида Шеробод туманидаги Каттабоғ маҳалласида ҳам бўлиб, ҳудуд аҳолисининг турмуш шaroити билан танишиб чоғида маҳалланинг ижтимоий инфратузилмасини яхшилаш, аҳоли даромад манбаини кўпайтириш билан боғлиқ мумкин топшириқлар берган эди.

Бунёдкорлик

Қарийб ярим йил ичида ушбу маҳаллада жадал сурьатда қурилиш ишлари амалга оширилди ва айни кунгача Ёшлар маркази, мактабгача таълим ташкилоти ва маҳалла фуқаролар йиғини бинолари фойдаланишга топширилди.

Каттабоғнинг кўрқига кўрк бағишлаб турган 120 ўринли давлат мактабгача таълим ташкилотига ҳам тарбияланувчилар учун барча қулайлик муҳайё қилинди. Кичкинтойлар билан машғулотларни интерфoл усулда амалга ошириш, таълим-тарбия ишларини давр талабларига ҳамоҳанг тарзда олиб бориш учун малакали мутахассислар жалб этилди.

Шу муносабат билан ўтказилган тақдирот маросимида вилоят, туман ҳокими, Аҳборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳудудий бошқармаси масъуллари, нурунийлар, ёшлар ва кенг жамоатчилик вакиллари қатнашди.

Айни чоғда маҳалла фуқаролар йиғини биноси ҳам замонавий кўринишга эга бўлди. Бу ерда фуқароларни қабул қилиш, уларга қисқа муддатда хизмат кўрсатиш, туман ташкилотлари билан боғланиш, кутиш хоналари мавжуд. Шунингдек, аҳолини касбга ўқитиш маркази фаолият бошлади. Эндиликда маҳаллада "темир дафтар"га киритилган ёшлар ва аёллар талабгор соҳалар бўйича мутахассислар томонидан шу жойнинг ўзига ўқитиладиган ва улар бандлигини таъминлаш чоралари кўрилади.

«Халқ сўзи».

«ГУЛИСТОН» ГЎЗАЛ МАНЗИЛГА АЙЛАНМОҚДА

Фарғона вилоятининг Бағдод туманидаги энг олис ҳудудлар сирасига кирувчи "Гулистон" маҳалла фуқаролар йиғини яқин-яқингача ривожланишдан ортда қолган, даст ерлардан иборат манзил сифатида таърифланарди. "Қуш учса қаноти, одам юрса оёғи қуяди", ибораси айнан шу ҳудуд учун айтилгандек эди, гўё.

Ободлик

Бугунги кунда "Гулистон"да ўн йилларга татигулик ўзгаришлар амалга оширилганга гувоҳ бўлиш мумкин. Маҳаллада қисқа фурсатда 61 кўп қаватли замонавий уй қуриб битказилди, мактаб, боғча, маданият маркази, хизмат кўрсатиш ва сервис шохобчалари қад ростланди. Ландшафт архитектура сирасида ҳудуд бўйлаб гулзорлар, мевали ва манзарали дарахтлар аллеялари яратилди.

— Инсон ҳаётида дарахтларнинг, яшилликнинг аҳамияти катта, — дейди 40 йиллик тажрибага эга боғбон Мухаммаднoсир Худойбергaнов. — "Яшил макон" лойиҳаси доирасида маҳалламизга 500 туп манзарали дарахт кўчати экиш мўлжалланган. Шу тариха кўп қаватли уйлар атрофига арча, каштан, эман, йўл бўйларига эса чирно ва тол кўчатлари кўпроқ экилмоқда. Қувонарлики, "Гулистон" МФЙ кун сайн ўз номига монанд, инсоннинг кўзини ашнатадиган манзилга айланиб борапти.

«Халқ сўзи».

«МЕН ЭНДИ ЎЗИМНИ КАМБАҒАЛ ҲИСОБЛАМАЙМАН»

Шоҳида Ҳамроева Бўжор вилоятининг Қоровулбозор туманидаги Тинчлик маҳалласида яшайди. "Аёллар дафтари"га киритилган. Турмуш ўртоғининг ногиронлиги бор. Оилада уч фарзанд тарбияланмоқда.

Тажриба

— Вақт деганлари сувдек ўтиб кетаркан, — дейди Шоҳида. — Болаларим ўсиб-улгайиб, бири институтга, бири эса техникумга ўқишга кирди. Шоҳиб қолдим, ахир уларни ўқитиш, шартнома пулларини тўлаш айтишга осон... "Шоҳида табиятан тиниб-тинчимас аёл, тикувчилик қўлидан келади. Агар ўқиса-ўрганса, чеварчиликни қўймай етказиб ўзлаштира, рўзғори бор бўлиши тайин..." Маҳалла фаолларининг мана шундай гап-сўзлари қулоғига чалинган Шоҳидада илк бор ўзига нисбатан ишонч ҳисси пайдо бўлди. Бу эса уни илмий хотин-

қизлар тадбиркорлик марказига етаклади. Марказда у зарур билим ва малакага эга бўлди, билмаганларини ўрганди. Қоровулбозорга қайтиб мўбъажасина цех очди. Салкам 8 миллион сўм миқдоридagi кредит эвазига замонавий тикув машинаси харид қилди. — Буюртма асосида ишлапмиз, — дейди Шоҳида. — Ўзимга ўхшаб "аёллар дафтари"га кирган опа-сингилларимизнинг беш-олти нафарини ёнимга олдим. Уларга хунар сирларини ўргатаймиз. Сизга ёлгон, менга чин, тикаётган либосларимиз сифат жиҳатидан хориж маҳсулотларидан қолшимайди. Ҳатто маҳсулотларимиздан бири "Сиз тиккан мана бу кўйлаб-қорин олдида четникаги йўл бўлсин!" деб

яна буюртма берди. Шукр, қора қозонни қандай қилиб қайнатар эканмиз, дея хавотирда юрган дамларим ортда қолди. Болаларимни ўқитаям, рўзғорга барака кирди. Мен энди ўзимни камбағал деб ҳисобламайман. Айтмоқчи, Шоҳида Ҳамроеванинг профессионал тикувчи даражасига етишига қўл-қанот бўлган вилоят хотин-қизлар тадбиркорлик марказида жорий йилнинг ўтган даврида тикувчилик, пазандалик, зардўзлик каби жами ўн йўналишда 3 минг нафар аёл касб-хунар ўрганди. Уларнинг аксарияти "аёллар дафтари", "темир дафтар" ва "ёшлар дафтари"га кирган иш-си опа-сингилларимиз бўлиб, бугунги кунда аксарияти марказда ўрганганларини амалиётда қўллаб, рўзғорига барака киритмоқда.

Истам ИБРОҲИМОВ («Халқ сўзи»).

ЯҚИН КЎМАКЧИ, ИШОНЧЛИ ҲАМКОР

«Ўзмиллиббанк» АЖ Денов филиали янги бинода иш бошлади.

"Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки" АЖ Денов филиалининг янги биноси фойдаланишга топширилиши муносабати билан уюштирилган тадбирда молия муассасаси раҳбарлари, тадбиркорлик субъектлари ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Молия муассасаларида

Тадбирда таъкидланганидек, "Ўзмиллиббанк" Денов филиали 1997 йилда иш бошлаган. Дастлаб 14 нафар ходим билан иш бошлаган банк филиалида айни пайтда 51 нафар етук мутахассисдан иборат жамоа Денов, Олтинсой ва Сарисоё туманлари аҳолисига, хорижлик меҳмонлар ва инвесторларга ҳамда йирик тадбиркорлик субъектларига сифатли банк хизматларини кўрсатиб келмоқда. Бугунги кунда филиал жами 64,8 минг миқжоза хизмат кўрсатаётди. Мазкур филиал томонидан ажратилган кредитлар ҳисобидан вилоятда катта-катта интенсив боғлар, йирик сизимли замонавий музлаткичлар, савдо ва мамшиқ хизмат кўрсатиш марказлари, умумий овқатланиш масканлари ташкил топди. Охириги уч йилда вилоятда 20 га яқин йирик ишлаб чиқариш лойиҳалари молиялаштирилиши натижасида 1 минг 450 дан зиёд фуқароларнинг бандлиги таъминланди.

— Илгирма йилдирки, "Ўзмиллиббанк" Денов филиалининг банк хизматларидан фойдаланиб келмоқдамиз, — дейди Денов туманидаги "Афросиёб" савдо-ишлаб чиқариш корхонаси раҳбари Алижон Нарзуллаев. — Банкдан олинган молиявий кўмак асосида бир неча самарали лойиҳаларни амалга оширдик. Корхонамиз дастлаб савдо хизмати кўрсатиш билан ўз фаолиятини бошлаган. Ҳозир озиқ-овқат, консерва, сўт ва макарон маҳсулотлари ишлаб чиқариб, ички ва ташқи бозорда сотаямиз.

Филиали биноси нафақат ташқи кўриниши, балки миқозлар учун яратилган қўллаб-қўлайликлар билан таҳсинга сазовор. Тақдирот маросимида қайд этилганидек, Денов тумани sanoat, тўқимачилик, текстиль маҳсулотлари, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ҳамда боғдорчиликка иختисослаштирилган бўлиб, мазкур йўналишдаги кичик sanoat зоналари вилоятнинг асосий "драйвер"лари қаторидан жой олган.

Бугунги кунда туман иқтисодий кўрсаткичларида хизматлар соҳаси-

Бундан ташқари, аҳолига валюта амалиётларида қўлайликлар яратиш мақсадида шаҳар ҳудудида 1 та валюта айирбошлаш шохобчаси ва 24,7 режимида хизмат кўрсатуви 2 та автоматлаштирилган валюта айирбошлаш шохобчаси (банкомат) шаҳар ва туман аҳолисига ҳамда меҳмонларга хизмат кўрсатмоқда. Банк филиалида замонавий инновацион иш тугулларига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, банк миқозларининг 74 фоизи масофадан бошқариладиган банк хизматларидан фойдаланади. Бунда ҳисоб рақамларида онлайн кредит расмийлаштириш ёки кредит қарздорлигини қоплаш, халқаро ва миллий пластик карточка-

ларда ҳар қандай банк амалиётлари ҳамда тўловларни амалга ошириш, омонат расмийлаштириш, хорижий валюталарда конверсион амалиётлар, пул ўтказмалари каби банк хизматларидан масофадан фойдаланиш мумкин. — Бундан ташқари, "Шаҳбоз Абдулла" фермер хўжалигини ташкил этиб, банкнинг молиявий кўмағи билан 5 гектар майдонда интенсив усулда узоқроқ яратдик. Етиштирган узум маҳсулотлари, асосан, экспортга чиқаришмоқда. Банкнинг замонавий хизматларидан фойдаланиб, масофадан онлайн таълим олишга имконият бўлиши ҳамда миқозларининг кўмағи билан ҳамкорликда бошлаганмиз, — дейди "Денов Текстил Кластер" таъсисчиси Камолiddин Саидов. — Фаолиятимиз йилдан-йилга кенгайиб бормоқда.

— Илгирма тўрт йил муқаддам ўз тадбиркорлик фаолиятимизни "Ўзмиллиббанк" Денов филиали билан ҳамкорликда бошлаганмиз, — дейди "Денов Текстил Кластер" таъсисчиси Камолiddин Саидов. — Фаолиятимиз йилдан-йилга кенгайиб бормоқда.

Бундан ташқари, аҳолига валюта амалиётларида қўлайликлар яратиш мақсадида шаҳар ҳудудида 1 та валюта айирбошлаш шохобчаси ва 24,7 режимида хизмат кўрсатуви 2 та автоматлаштирилган валюта айирбошлаш шохобчаси (банкомат) шаҳар ва туман аҳолисига ҳамда меҳмонларга хизмат кўрсатмоқда. Банк филиалида замонавий инновацион иш тугулларига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, банк миқозларининг 74 фоизи масофадан бошқариладиган банк хизматларидан фойдаланади. Бунда ҳисоб рақамларида онлайн кредит расмийлаштириш ёки кредит қарздорлигини қоплаш, халқаро ва миллий пластик карточка-



Бугунги кунда пахта экишдан то уни қайта ишлашгача бўлган босқич бўлиб қозилган кластер усулида қамраб олинган. Умуман, биз ўнга яқин лойиҳаларни амалга оширишда ушбу банкдан кредит олиб, улар ижросини таъминлашга эришяпмиз.

Жумладан, йилига 30 минг тонна маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга ёғ-мой корхонаси учун 6 миллион доллар, калава ип тайёрлаш лойиҳаси учун банкдан 12,5 миллион доллар миқдорда кредитлар ажратилди. Бизнинг тасарруфимизда 7 минг 686 гектар ер майдон мавжуд бўлиб, шундан 2 минг гектарида гўза парваришга, ҳосилдорлиги 50 центнерга етказдик. Айни пайтда 300 гектар пахта майдонига сув тежамкор технологиялар ўрнатдик. Мана шу каби истиқболли лойиҳаларни ҳаётга таъбиқ этишда мазкур молия муассасасининг ишончи ва кафолатли банк хизматлари мумкин аҳамият касб этаётди. Асосийси, корхоналаримизда 2 мингга яқин киши доимий иш билан банд. Келгуси йили кийим-кечак ишлаб чиқариш лойиҳамиз тўлиқ қувват билан ишга туширилади. Албатта, "Ўзмиллиббанк" Денов филиали биз каби тадбиркорларнинг ишончли ҳамкорига айланади, туманимизда савдо, ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш билан шуғулланувчи корхоналар сони ортиб, улар фаолияти кўлами тобора кенгайиб бормоқда.

Президентимизнинг "2020 — 2022 йилларда Сурхондарё вилоятининг Денов тумани ва унинг марказини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш тўғрисида"ги қарорига биноан бунёд этилган ушбу молия муассасаси ўзининг кўркам ташқи кўриниши ҳамда бу ердаги замонавий банк амалиёти билан деновликларга ўзига хос тўхта бўлди. "Ўзмиллиббанк" Денов филиали янги биносининг очилиш маросимида Сурхондарё вилояти ҳокими Т. Боболов иштирок этди.

Илҳом РАҲМАТОВ («Халқ сўзи»).

Хизматлар лицензияланган.

«Янги Ўзбекистон – янги қасаба уюшмалари»

Кеча пойтахтимизда Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси томонидан ташкил этилган тантанали байрам тадбири ана шу шир остида ўтказилди.



Тантанали тадбирда мамлакатимизда инсон манфаатларини таъминлаш йўлида ўтган 5 йил давомида жамият ҳаётининг барча жабҳасида олиб борилган кенг қўламли ислохотлар, уларнинг салмоқли натижалари алоҳида эътироф этилди.

Таъкидланганидек, инсон қадрини йўлга да амалга оширилган улкан ишлар давлатимиз ва жамиятимизни тараққиётнинг мураккаб янги босқичига олиб чиқди. Янги Ўзбекистоннинг бу борадаги ютуқлари бугун халқро микёсда ҳам тан олинди, юксак баҳоляпти.

Табиийки, олиб борилаётган янгиликлар ва ўзгаришларда қасаба уюшмалари ҳам фаол қатнашиб, ислохотларни қўллаб-қувватлаган ҳолда турли соҳа ходимларининг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ҳамда меҳнат соҳасидаги ҳуқуқларини ҳимоялаш борасида тизимли ишлар ташкил этиляпти.

Ўтган беш йил қасаба уюшмалари ҳаётида ҳам туб бурилишларга бой бўлди. Тарихий воқеалардан бири — 2019 йилнинг 6 декабрида Президентимиз томонидан «Қасаба уюшмалари тўғрисида»ги Қонуннинг имзоланишидир. Ушбу қонун қасаба уюшмалари фаолиятини янги босқичга олиб чиқиш ҳамда ваколатларини кенгайтириш имконини берди. Қасаба уюшмалари инспекциялари қайта тикланди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерациясининг 2020 йилда бўлиб ўтган саккизинчи курултой иштирокчиларига йўллаган табриқда муштарик давлатимиз тарихида ilk бор 11 ноябрини — «Қасаба уюшмалари кунин» эътиборга олиб қўйди билдирилган, «Ўзбекистон қасаба уюшмалари кунини белгилаш тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди. Ва бу 5,5 миллиондан зиёд аъзоларга эга бўлган қасаба уюшмалари ҳаётида унвонли муваффақиятларга эришишга имкон берди. Президентимиз ташаббуси билан қасаба уюшмаларининг

Меҳнат ва ижтимоий муносабатлар академияси ташкил этилди.

Яна бир жиҳат. Кейинги йилларда Қасаба уюшмалари Федерацияси томонидан яқунлаётган йилнинг сарҳисоби сифатида ўзининг муносиб меҳнатлари билан Ватанимиз равнақи, халқимиз фаровонлигига, шунингдек, қасаба уюшмалари ҳаракати ривожига ҳисса қўшган энг фаол, фидойи ва ташаббускор инсонлар меҳнатини эътироф этиш аниқланадиган бўлди.

Ўзбекистон қасаба уюшмалари кунига бағишланган тантанали байрам тадбирида турли ижтимоий лойиҳалар ҳамда кўриқ-танловлар қўллаб-қувватланди.

Хусусан, Ватанимиз тараққиёти ва унинг қудратини юксалтириш йўлидаги ишларда фаол иштирок этаётган, меҳнатқашларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, қасаба уюшмалари нуфузини оширишга муносиб ҳисса қўшаётган бир гуруҳ юртдошларимиз Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерациясининг «Эҳтиром» нишонини билан тақдирланди. Уларга ушбу мукофотни Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси раиси Қудратилла Рафиқов топширди.

Бундан ташқари, намунали фаолияти билан барчага ўрнак бўлаётган, эришган алоҳида ютуқлари билан республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга ва унинг халқро ҳамжамиятдаги ўрнини мустаҳкамлаш, шунингдек, қасаба уюшмалари нуфузини оширишга салмоқли ҳисса қўшиб келаятган турли соҳа вакилларидан 14 нафарига «Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси лауреати» мукофоти тақдим этилди.

Шундан сўнг иқтидорли ва истеъдодли ёшларни тарбиялаётган ўқитувчиларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш мақсадида Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси томонидан Халқ таълими вазирлигини ишти-

роқида таълим муассасаларининг математика, физика, кимё, биология, инглиз тили, информатика ва ахборот технологиялари фанлари ўқитувчилари ўртасида ўтказилган «Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси лауреати» мукофоти республика танловини қўллаб-қувватлади.

Мазкур танлов эълон қилинган, унда қатнашиш истагини билдирган 5 минг 692 номзод орасидан танлов шартларига жавоб берадиган 2 минг 714 нафар ўқитувчи экспертлар томонидан сараланиб, иккинчи босқичга йўланма берилди. Иккинчи босқич иштирокчилари ўртасида ўтказилган тест синовлари натижаларига кўра, жами

90 нафар ўқитувчи танловнинг учинчи — республика босқичига чиқди.

Танловнинг республика босқичида комиссия томонидан номзодларнинг педагогик маҳорати, қасаба уюшмаси фаолияти ва меҳнат ҳуқуқи йўналишидаги билим ва кўникмалари синовдан ўтказилди.

«Янги Ўзбекистон — Янги қасаба уюшмалари» шир остидаги тантанали тадбирда ушбу танловда 1-ўринни қўлга киритган устоз ҳамда мураббийларга «Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси лауреати» мукофоти тақдим этилди.

«Янги Ўзбекистон — Янги қасаба уюшмалари» шир остидаги тантанали тадбирда ушбу танловда 1-ўринни қўлга киритган устоз ҳамда мураббийларга «Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси лауреати» мукофоти тақдим этилди.

офоти кўрақ нишони ва пул мукофотлари топширилди.

Яна бир муҳим йўналиш. Сўнгги йилларда қасаба уюшмалари тизимида халқро ҳамкорлик алоқалари мустаҳкамланиб, янги босқичга олиб чиқилди. Хусусан, Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси соҳадаги барча халқро ташкилотлар ва халқро қасаба уюшмалари марказлари билан мустақам ҳамкорлик алоқаларини ўрнатди. Марказий Осиё давлатларининг турдош ташкилотлари билан келишувлар тузилди, Халқро меҳнат ташкилоти билан ҳамкорлик янги босқичга кўтарилди.

Мазкур ҳамкорлик самараси ўлароқ, тантанали байрам тадбирига қардош мамлакатлар қасаба уюшмалари ва халқро қасаба уюшма марказлари вакиллари ҳам таширф бўюди. Жумладан, Қозғистон Республикаси қасаба уюшмалари Федерацияси раиси Сатибалди Даулеталин, Тоғжикгон муштарик қасаба уюшмалари Федерацияси раиси Неъматзода Малиқшо Махмудшо, Миср Араб Республикаси коммунал корхоналар ходимлари қасаба уюшмаси президенти Хешам Аҳмед Фуад Аҳмедга ҳам «Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси лауреати» мукофоти топширилди.

Қолаверса, «аёллар дафтраи»га киритилган хотин-қизларнинг муаммо ва муурожаатларини ҳал этишга салмоқли ҳисса қўшаётган фаолларни муносиб



90 нафар ўқитувчи танловнинг учинчи — республика босқичига чиқди. Танловнинг республика босқичида комиссия томонидан номзодларнинг педагогик маҳорати, қасаба уюшмаси фаолияти ва меҳнат ҳуқуқи йўналишидаги билим ва кўникмалари синовдан ўтказилди.

рағбатлантириш мақсадида Қасаба уюшмалари Федерацияси томонидан республика босқичидаги маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари ўртасида хондонбай ишлашда «Энг яхши маҳалла раиси», ҳудудлардаги сектор раҳбарлари ўртасида маҳаллабай ва хондонбай ишлашда «Энг яхши сектор раҳбари», гендер сиёсати ва мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳолида иқтисодий ҳаётида аёллар ролини ошириш борасидаги ишларни намунали ташкил этган корхона раҳбарлари ўртасида «Энг намунали аёл иш берувчи», «аёллар даф-

Раҳим ШЕРҚУЛОВ («Халқ сўзи»), Абдумулал ТОИРОВ олган суратлар.

СИФАТЛИ ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ — БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ АСОСИ

Бир неча кун аввал юртимизда улкан воқеали, янги сайланган Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталари қўшма мажлиси бўлиб ўтди. Янги сайланган Президентнинг ушбу маросимдаги янги давлатимизнинг кейинги ривожланиш даври истиқболини белгилаб берувчи улкан режаларнинг таҳлилига бағишланди.

Акс садо

Хусусан, унда давлатимиз раҳбари Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясини илгари сурди. Ушбу стратегия мамлакатимиз ривожланишининг турли соҳаларини ўз ичига олган бўлиб, «инсон — жамият — давлат» деган янги тамойил асосида қўрилган. Жумладан, унинг тўртинчи йўналиши адолатли ижтимоий сиёсат юритиш, инсон капиталини ривожлантиришнинг энг муҳим омилни ҳисобланган сифатли таълим-тарбия масаласини ўз ичига олган.

Маълумки, юртимиз қадим замонлардан бошлаб ўзининг илму фан соҳасидаги ютуқлари билан жаҳон тамаддунини ривожига улкан ҳисса қўшиб келган. Биринчи ва иккинчи Ренессанс даври айнан мамлакатда бошқарув тизимининг исчиликчи ҳамда илм аҳлига қўрсатилган алоҳида эътибор тўғрисида юзага келган.

Давлатимиз раҳбари юртимизда учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этиш юзасини илгари сурган даврнинг ўзидаёқ илм-фан, таълим-тарбияга алоҳида урғу берган эди. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида ҳам ёшларимиз тақдирини ҳал қиладиган юксак малакали муаллим ва мураббийлар, профессор-ўқитувчилар, зиёлиларга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Масалан, бу соҳанинг янада самарали ишлаши учун биринчи навбатда, педагогларнинг ойлик маошини минг долларга етказиш масаласи ўртага ташланди.

Дарҳақиқат, педагогларнинг меҳнатини муносиб баҳолаш ва рағбатлантириш иш самарадорлигини белгилаб берувчи асосий омиллардан биридир. Зеро, ҳар бир педагогнинг ёш авлодга таълим-тарбия бериши учун кўнгли тўқ, ҳаёти тўқ бўлиши катта аҳамият касб этади. Айни чоғда педагогнинг то маънода олий тоифали бўлиши, авваломилар, жамиятда унинг учун яратилган қўлай шарт-шароитга ҳам боғлиқ, албатта. Шу боис ҳам давлатимиз раҳбери ўз нуқтаида етук кадрни ўзимиз тарбияламасак, ҳеч ким уни бизга тайёрлаб бермаслигини кўп бора таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари таълим-тарбия масаласига тўхталар экан, тизимда амалга оширилаётган туб ислохотлар жараёнини янада жадаллаштиришга алоҳида урғу берди. Хусусан, боғча тизимини мактаб таълими билан уйғунлаштириш масаласи кўтарилди. Юртимизнинг ҳамма ҳудудларида ўнлаб янги-янги мактабгача таълим ташкилотларини барпо этиш, барча болаларни ҳар йили 2 миллион нуқсаддаги замонавий ўқув адабиётлари билан таъминлаш вазифаси белгиланди. Бунда мактабгача таълим муассасаларида ишлайдиган ходимларнинг профессионал тайёргарлиги ва маҳоратини юксалтириш бориш мақсадида тизимдаги 160 мингдан зиёд педагог кадрларнинг малакасини ошириш масаласи алоҳида кўрсатиб ўтилди.

Мамлакатимиз аҳолисининг катта қисмини ёшлар, хусусан, таълим олиш ёшидаги йигирмадан ташкил этади. Уларнинг ҳар бири ўзининг бу борадаги ҳуқуқдан тўлақонли фойдаланиши ҳамда чуқур ва кенг миқёсдаги билимга эга бўлиши учун бугунги кунда соҳада исчилохотлар амалга оширилмоқда. Болалар сонини ўсиб бораётганини инобатга олиб, давлатимиз раҳбари янги мактаблар қуриш, мавжудларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, ўқитиш сифатини янги педагогик технологиялар билан бойитиш, соҳа босқичлари ўртасида узвийлиқни таъминлашга қаратилган Миллий таълим дастурини ишлаб чиқиш вазифасини белгилаб берди.

Ушбу дастур нафақат ёш авлоднинг ўқитиш, балки аҳолининг таълим олишга бўлган эҳтиёжини муносиб равишда ҳал этишга қаратилган вазифаларни ҳам ўз ичига олади. Бунда мактабгача таълимдаги камров даражасини ҳозирги 62 фоиздан мактабда 80 фоизга, олий таълим тизимида эса 50 фоизга етказиш, мактабларда таълим-тарбия сифати ва даражасини ошириш асосий вазифа сифатида ўз ифодасини топади.

Маълумки, сўнгги йилларда мамлакатимизда олий таълим соҳасида улкан ишлар қилинди. Янги олий таълим муассасаларининг очилиши, хорижий нуфузли университетларнинг филиаллари барпо этилиши, таълим қаватларининг оширилиши, шунингдек, олий таълимни ишлаб чиқариш билан боғлиқ борасида қилинган ишларнинг салмоғи жуда катта. Шу қатори талабаларни тураржой билан таъминлаш бўйича бошланган ишлар ҳам ўзининг жадал равишда давом этишини кутмоқда.

Давлатимиз раҳбари инсон капиталини ривожлантиришнинг энг муҳим омилни ҳисобланган сифатли таълим-тарбия масаласига тўхталар экан, янги Ўзбекистонни эски усуллар билан барпо этиб бўлмаслигини, бунинг учун янги ғоя, азму шижоат зарур эканини қайта-қайта таъкидлаб, инсонларни уйғоқликка чакўрди.

Биз, халқ вакиллари ҳам юрт равнақи, аҳоли фаровонлигига эришишга қаратилган вазифалар ижросини таъминлашда бор кўчимиз билан фаолият олиб бирамиз.



Ойдин АБДУЛЛАЕВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

ШАРАФЛИ МЕҲНАТНИНГ МУНОСИБ ЭЪТИРОФИ

Мамлакатимизда ҳар йили ноябрь ойининг иккинчи яқшанбасида кенг нишонланадиган Тиббиёт ходимлари кунин тобора яқинлашмоқда. Шу муносабат билан бу шарафли касб эгаларининг фидокорона меҳнатларини эътироф этиб, уларга ўз миннатдорлигимизни ичқор қилишнинг айни пайти.

Дил изҳори

Давлатимиз раҳбарининг алоҳида эътибори, эзгу ташаббуслари тўғрисида бугунги кунда соҳада аҳоли саломатлигини муҳофазасини таъминлаштиришга қаратилган туб ислохотлар амалга оширилмоқда. Бунинг натижаси ўлароқ нафақат пойтахтда, балки вилоятларда ҳам беморларга энг илғор технологияларга асосланган тиббий хизмат кўрсатиш йўлга қўйилди.

Хусусан, Самарқанд давлат тиббиёт институтининг 1-клиникаси жамоаси бош шифокор, тиббиёт фанлари доктори, профессор Нарғиза Абдуллаева, даволаш ишлари бўйича ўринбосар Камол Саидмуродов раҳбарлигида аҳолига сифатли ва самарали тиббий хизмат кўрсатиб келмоқда. Клиникада йўлга қўйилган даволаш-профилактика ишлари нафақат у ерда соғлигини тиклаган минглаб беморлар, балки нуфузли халқро ташкилотлар томонидан ҳам эътироф этиляпти. Жорий йилда мазкур клиника Европа Бизнес ассамблеясининг соғлиқни сақлаш соҳасидаги халқро мукофоти ҳисобланувчи «Best Clinic» («Энг яхши клиник шифохона») номинатцияси соҳибин бўлган ҳам фикримиз далилидир.

Маълумот ўрнида айтиш жоиз, Оксфорд шаҳрида жойлашган Европа Бизнес ассамблеяси ҳар йили жаҳоннинг турли давлатларидаги ўз соҳалари йўналишларининг етакчиларини аниқлаб боради ва йилда бир марта голибларни тақдирлайди. Бу йилги танловда Самарқанд давлат тиббиёт институти 1-клиникаси даволаётган беморларни сонини ва самарадорлигини, академик ва илмий таъдқуқ соҳасидаги ютуқлари, даволашда илғор технологиялардан фойдаланиши,

илмий даражали ва илмий унвонли мутахассислар жамоаси, беморларнинг ижтимоий тармоқлардаги муштарик фикрлари ва тавсиялари каби мезонлар бўйича голиб деб эълон қилинди. Тақдирлаш маросими Буюк Британиянинг Оксфорд шаҳрида уюштирилган «Achievements Forum 2021» халқро конференцияси доирасида ўтказилди.

Бундай эътирофлар ўз-ўзидан бўлмади, албатта. Бу муваффақиятлар ортида тинимсиз меҳнат, илмий изланишлар, қолаверса, қасбга меҳр ва масъулият зоҳирлиги, шубҳасиз.

Клиниканинг жарроҳлик бўлимида даволашни жараёнида мен бунга шахсан гувоҳ бўлдим. Бўлимида замонавий, юқори технологияларга асосланган лапароскопи, ўт йўлларида ва ошқозон ичак трактини реконструктив операциялар амалга оширилмоқда.

Кафедра мудири, профессор Зафар Курбонниёзов, бўлим бош врачини, тиббиёт фанлари номзоди Пулат Аскарлов раҳбарлигида фаолият юритаётган аҳил жамоа — тиббиёт фанлари номзоди, доцент Қосим Раҳмонов, ассистент Шероли Ўсаров, катта ҳамшира Дилноза Аҳмедова, ҳамширалар Хилола Фахриддинова, Санобар Турсунова, Гаҳвар Облақуллова ва бошқалар даволаш-профилактика ишларини илм-фан ҳамда амалиёт уйғунлигини таъминлаган ҳолда олиб бораётгани муваффақиятнинг асосий гарови бўлмоқда.

Имкониятдан фойдаланиб, клиника жамоасига оиламиз номида чукўр миннатдорлик билдираман ва уларни Тиббиёт ходимлари кунини билан самимий муборакбод этаман. Инсон саломатлигини асрашдек олижаноб касбинингизда сизга янгидан-янги зафарлар ёр бўлсин, азиз шифокорлар!

Ислом ХУДОЙҚУЛОВ.

ТАДБИРКОРГА ЯНА БИР ИМКОНИАТ ЯРАТИЛМОҚДА

Тадбиркорлик — мамлакатимиз иқтисодиётининг устувор йўналиши. Кейинги беш йилда бу соҳани ривожлантиришга қаратилган 2 мингта яқин қонун, Фармон ва қарорлар амалиётга жорий этилди. Уларга асосан, 114 та лицензия ва ружхатнома бекор қилинди, 33 та фаолият тури хабардор этиш тартибига ўтказилди. Ружхатномаларни расмийлаштириш тартиблари соддалаштирилиб, мuddатлари ўртача 2 баравар қисқартирилди.

Мулоҳаза

Ортиқча текширишлар, нақд пул, валюта ва хом ашё бўйича қўллаб-қувватлаш барҳам берилди. Бундай қўлайлик ва имкониятлар натижасида янги субъектлар кескин кўпайиб, аввалдан ишлаб-тантанлари фаолиятини кенгайтирмоқда. Охириги беш йилда тадбиркорлар сонин қарийб 3 баравар ошди. Аксарият ишбилармонлар ўз бизнесини мамлакат миқёсида кенгайтирди, натижада минглаб иш ўринлари яратилиб, нуфузли йирик компаниялар айланди. Ички ва ташқи бозорда ўз нуфузини ва брендига эга тадбиркорлар синфини шакллана бошлади.

Турли минтақаларда яна қайтадан мураккаблашадиган эпидемиология вазият таъсирини ўтказмасдан қолмади. Бундай шароитда ишлаб чиқариш тармоқларини ва ишчи ўринларини сақлаб қолиш учун факулда чораларни қўллаш талаб этиляпти.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 20 август кунин тадбиркорлар билан ўтказган очик мулоқотида айни жиҳатлар пухта таҳлил этилди, тадбиркорлик ва ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаб, пандемия даврини даромад билан чиқаришга қаратилган чоралар қабул қилинди.

Масалан, давлатимиз раҳбари пандемия шароитида хизматлар соҳасини қўллаб-қувватлаш муҳимлигини таъкидлаб, ўтган йили берилган мўлчанлиги мuddатини узайтиришга қўрсатма берди. Умумий оватқатлини корхоналари йил якунига қадар ери ва мулк солиғидан, туризм компаниялари ва меҳмонхоналар 2 йил мuddатга туристик йиғимлардан озод этилаётган бўлди. Амалдаги тартибга кўра, тадбиркорлар қўшилган қиймат солиғидан фарқини қайтариш учун солиқ идораларига алоҳида муурожаат қилишга мажбур. Бу 14 минг тадбиркорга тегишли бўлиб, улар учун қўшимча вақт, ортиқча оворагарчилик, дегани. Шу боис мутасаддиларга келгуси йилдан қўшилган қиймат солиғини



қўшимча ҳужжатсиз қайтариш тартибини жорий этиш вазифаси қўйилди.

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 2 ноябрдаги «Маҳаллий ва хорижий инвесторлар томонидан солиқларни тўлашни кечиктириш механизмларини таъминлаштириш тўғрисида»ги қарорини инвестициявий муҳитини янада яхшилаш, маҳаллий ва хорижий инвесторларга қўлай шарт-шароитлар яратиш, шунингдек, тадбиркорларнинг муаммоларини бартараф этиш йўлидаги ама иш бир даражада қадим дегуш мумкин.

Қарорга мувофиқ, 2022 йил 1 январдан бошлаб умумий майдони 1 000 квадрат метрдан ортиқ бўлган ер участкалари ҳамда бино ва иншоотларга мулк ҳуқуқини олган тадбиркорларга мол-мулк ва ер солиғини бўйича тўловларини олти ойга кечиктириш ҳуқуқи берилмоқда. Дастлабки ҳисоб-кичи тобларга қараганда, мазкур имтиёз натижасида тадбиркорлар иштирида 6 ой мuddатда 48,4 миллиард сўм қолдирилди ва бизнес лойиҳалари бошқа тадбиркорларни мотилаштириш имкони яратилди.

Таъкидлаш керакки, мазкур қоида, давлат улуси 50 фоиздан юқори бўлган корхоналар, ер қарибдан фойдаланувчилар ва акциз ости маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларга таътик этилмайди.

Энди мол-мулк ва ер солиғини тўлашни кечиктириш, ер участкалари ва бино (иншоот)ларга бўлган мулк ҳуқуқи давлат рўйхатидан ўтказилган қўндан бошлаб уч

ой мuddат ичида давлат солиқ хизмати органларини хабардор қилган ҳолда, гаровсиз амалга оширилади. Шунингдек, солиқларни тўлашни кечиктириш хабарнома юборилган қўндан бошлаб ҳисобланади ва унинг тугаган санасидан бошлаб солиқ суммаси фойзалар билан бирга тенг улшларда бир йил давомида тўлаб берилади.

Урнатилган тартибга кўра, солиқларни тўлашни кечиктиришдан фойдаланганлик учун фойзалар солиқлар кечиктирилган сандан бошлаб Марказий банк асосий ставкасининг 50 фоизи миқдорини ҳисобланади. Солиқ тўлашни кечиктириш ҳуқуқини бериш ҳисобига Давлат бюджетига 3,3 миллиард сўм қўшимча даромад ундирилди.

Қарорда белгилаган имтиёз ва энгилликлардан фойдаланишда сумистеъмопчиликнинг олдини олиш мақсадида, қоида тарихида ер участкаси ва бино (иншоот)лар солиқ тўловларини кечиктириш мuddати давомида реализация амалиёти божирилганда ёки ижарага берилганда солиқларни кечиктириш бекор қилинади. Солиқ қонунчилигини бузиш хавфини юқори бўлган солиқ тўловчилар гуруҳига киритилган тадбиркорларга ушбу тартиб таътик этилмайди.

Қарорнинг яна бир аҳамиятли томонини, солиқларни тўлашни кечиктириш мuddати тугаганидан сўнг, тадбиркорларнинг солиқларни кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш бўйича маҳаллий давлат ҳокимияти органларига белгилаган тартибда муурожаат қилиш ҳуқуқи сақлаб қолинади.

Шу ўринда қимдир ўйлаш мумкин, эртани ё индин солиқ бариб ўнлашдику, шундай экан, бу имтиёздан тадбиркор нима наф, деб. Унутмасдан тадбиркор, тадбиркор учун маблар — катта ресурс. У тўлашни олти ойга кечиктирилган солиқ маблагларидан айлангани кенгайтириш, тармоқни ривожлантириш, қўшимча қувватларни ишга тушириш, янги иш ўринлари яратиш, ишчи-ҳодимларнинг ижтимоий ҳимоясини қўлайтириш учун яқшигина фойдаланади. Шунинг учун ҳам у тадбиркор. Шу маънода, мазкур қарор ҳалол тадбиркорлар учун моддий нафақадорлиқни таъминлашга қаратилган катта имкониятдир.

Ақром ОМОНОВ, Тошкент молия институтининг Банк иши кафедраси мудири, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1148. 28 463 нуқсадда босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоини келишилган нарҳда.

Газетанимиз ҳақидаги маълумотларни қўллаб-қувватлаш учун QR-қўнғини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ISSN 0013-0788

Таҳририятга келган қўғамалар тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанимиз оқнаб берилиши учун обунани расмийлаштиришга ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида термидил ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан сақдаланади.

Газетанимиз подлиграфия ҳақидаги сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилик кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Р. Шерқулов.
Мусахҳач — С. Исломов.

Улбозор ГАЙБОВАННИНГ
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изқор этади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзилни:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 03.05 Топширилди — 04.30 1 2 3 4 5 6